**Ислом КАРИМОВ:**

# БИЛИМЛИ, ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТЛИ, МИЛЛАТ ВА ХАЛҚ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ ЯШАЙДИГАН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН ҲАР ҚАНЧА МИННАТДОР БЎЛСАК АРЗИЙДИ


SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 30-SENTABR ■ SESHANBA ■ 116 (27.136) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ *1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.*


## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Қадрли муаллим ва мураббийлар, муҳтарам устозлар!**

**Авваламбор, барчамиз учун қувончли бўлган мана шу кутлуғ айёмда сиз азизларни — бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган, эзгулик бунёдкори бўлмиш фидойи инсонларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.**

**Ҳурматли дўстлар!**

**Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз — ўқитувчи, мураббий ва устозлар зотини асрлар давомида улуғлаб, олижаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилади, шаънингизга таҳсин ва тасаннолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларингизни тўла ифода этолмайди.**

**Чунки сизлар одамзот қалбига бу дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ноёб ва беқиёс бойликни жо этасизлар. Бу бойликнинг номи билим ва илму ҳунардир.**

**Сиз берган ана шу билим зиёси инсоннинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машаққатлар олдида эсанкирамасдан, уларни сабот билан енгиб ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўлларини бамисоли маёқ бўлиб ёритади.**

**Шу боис, ер юзида қанча қийинчилик, сурону тўфонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидойи одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний ибрати туфайли то ҳануз маърифат ва эзгулик завол билмай яшаб келмоқда.**

**Бугунги кутлуғ байрам арафасида биз фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей-коллежлар остонасида бағрини очиб кутиб оладиган, уларга кунт ва меҳр билан сабоқ берадиган заҳматкаш муаллимларимизни, олий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига илм-фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини ҳам сингдирадиган муҳтарам домлаларимизни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишимиз табиийдир.**

**Барча-барчамиз — бугун ҳаётдан муносиб ўрнини топган, элу юртга хизмат қилаётган ҳар бир инсон камолот йўлида, таъбир жоиз бўлса, унга зинапоя бўлиб, ўз елкасини тутиб берган сиз, ҳурматли устозлар олдида умрбод қарздормиз. Ва мен бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслигини истардим.**

**Бугун барчамиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол, она Ватани ва халқига садоқатли авлодни вояга етказиш, жондан азиз фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун интилиб яшаётган эканмиз, шахсан мен бу улуғвор вазифани адо этишда сизларни ўзимнинг маслакдош ва кўмакчиларим, бу борадаги энг асосий ҳал қилувчи куч, деб биламан.**

**Ҳозирги пайтда биз бутун жаҳонда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни изчиллик билан амалга ошира бориб, таълим соҳасида катта ютуқларга эришмоқдамиз.**

**Бу, авваламбор, умидимиз ва таянчимиз бўлган истеъдодли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда.**

**Бундай улкан зафарлар учун барчамиз биринчи галда сизлардан — билимли, ўз касбига садоқатли, миллат ва халқ келажагини ўйлаб яшайдиган ўқитувчи ва мураббийлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.**

**Сизларни кутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, савобли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.**

**Қалбингиздаги меҳр ва маърифат нури асло сўнмасин, азизларим!**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЭЗГУЛИК БУНЁДКОРЛАРИГА ЭҲТИРОМ

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).** Юртимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни зўр шодиёна билан нишонланади. Боиси — эл-юртимиз устозлар тимсолида ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки улар қалбига она Ватан меҳрини, юксак инсоний фазилатларни сингдирадиган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.

Ана шу кутлуғ санага бағишланган тантанали йиғилиш 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Бу ерга узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи устозлар, илғор ўқитувчилар, мураббийлар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Дарҳақиқат, бугун биз билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам, ўз истеъдоди билан Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган ўғил-қизлар тимсолида, энг аввало, ўқитувчиларнинг эзгу меҳнати самарасини кўрамиз. «Ўзбек модели» сифатида бутун жаҳон эътироф этаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилиш, миллий истиқлол ғоясини фарзандларимиз қалби ва онгига сингдириш борасида улар олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовор.

Бу жиҳатлар, айниқса, ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда. Шу боис ана шу шарафли касб эгалари байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан бир гуруҳ илғор педагоглар Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Байрам санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта мусиқий дастур билан якунланди.

## ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ИНВЕСТИЦИОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз, Ислом тараққиёт банки Инвестицион конференцияси иштирокчиларини гўзал ва бетакрор Ўзбекистон заминида қутлаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Ўзбекистоннинг яқинда Ислом тараққиёт банкининг тўлақонли аъзоси этиб қабул қилинганлиги муносабати билан давлатимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ислом тараққиёт банки ва ислом давлатларининг ишлаб чиқариш, савдо, қурилиш, ахборот-технология соҳаларидаги етакчи компаниялари ва йирик банклари вакиллари иштирокидаги ушбу нуфузли анжуманнинг илк бор Тошкентда ўтказилаётганлиги биз учун катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритишлари, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кенг ҳамкорлик қилишлари учун қулай шарт-шароит ва мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки ва унга аъзо давлатлар билан нефть-газ ва энергетика саноати, рангли металлар ва қимматбаҳо тошлар қазиб олиш, кимё, авиация, автомобилсозлик, тўқимачилик ва машинасозлик тармоқларида, бой қишлоқ хўжалик хомашёси, айниқса, пахта толасини қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳамда банклар капиталида иштирок этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш борасида барча зарур имкониятлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, биз Сизлар билан ҳамкорликда минтақа давлатлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, Араб денгизи ва Форс кўрфази портларига чиқадиган халқаро трансмиллий коммуникациялар барпо этиш дунё мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этади, деб биламиз.

Ислом тараққиёт банки ва унинг таркибига кирувчи ислом давлатлари билан гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилишга, айниқса, бутун мусулмон оламига танилган тарихий обидалар ва маънавий ёдгорликларни қайта тиклаш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга биз катта эътибор қаратмоқдамиз.

Ишончим комилки, сизларнинг юртимизга ташрифингиз, анжуманда бўладиган ўзаро фикр алмашишлар, ўзбекистонлик ҳамкасбларингиз билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилиши Ислом тараққиёт банки ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни кучайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мен ушбу нуфузли Инвестицион конференция ва унинг доирасида бўлиб ўтадиган устувор лойиҳаларнинг тақдимотлари, тадбиркорларнинг ўзаро учрашувлари янги истиқболли қўшма лойиҳалар тузиш учун мустаҳкам замин яратади, сизларнинг иштирокингизда бўлиб ўтадиган мулоқотлар узоқ муддатли, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади, деб умид билдираман.

Анжуман давомида сизлар ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимияти ва меҳмондўстлигини ҳис этасиз, кўп асрлик тарихимиз, бой маънавий меросимиз, миллий қадрият ва анъаналаримиз билан яқиндан танишиб, янги дўстлар, ишбилармон ҳамкорлар орттирасиз, деб қатъий ишонаман. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Фарзандларни тарбиялаб, катта ҳаётга йўлланма беришдек машаққатли, айни пайтда улуғ вазифани зиммасига олган касб эгалари ҳамиша халқимиз ардоғида, ҳурмат-эътиборида.

Чирчиқ шаҳридаги 3-сонли мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Нурхан Дуйсебаев ҳам бор меҳрини, қалб ҳароратини ёш авлодни илм-маърифатли қилишга бағишлаган. Меҳнат фаолиятини бошлаганига 40 йилдан ошса-да, тиниб-тинчимас устоз ҳамон кутлуғ даргоҳда, ўқувчилари даврасида. У сабоқ берган юзлаб шогирдлари ҳар йили устоз-мураббийлар байрами арафасида меҳрибон муаллимни табриклашиб, доно ўгитларидан баҳраманд бўлишади.

❖❖❖

**Суратда:** Нурхан Дуйсебаев ўқувчилари билан.
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ АНЖУМАНИ

29 сентябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро-бизнес марказда Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) Инвестицион конференцияси бошланди.

ИТБнинг шу ой бошида ўтган навбатдаги йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинган эди.

Ислом тараққиёт банки — халқаро тараққиётни қўллаб-қувватловчи молиявий муассаса бўлиб, 1973 йил 18 декабрда Ислом конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатлар молия вазирларининг йиғилишида таъсис этилган. ИТБнинг асосий мақсади мусулмон олами мамлакатларидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашишдир. Ташкилот қароргоҳи Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида жойлашган.

Тошкентда очилган икки кунлик сармоявий анжуманда юзга яқин мамлакатдан ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ислом тараққиёт банки Инвестицион конференцияси иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда ИТБ президенти Аҳмад Муҳаммад Али сўзга чиқиб, Ўзбекистон анжуманга юксак савияда тайёргарлик кўрганини таъкидлади. Меҳмондўстлик ва самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга ҳамда ўзбек халқига миннатдорлик билдирди. ИТБ раҳбарияти мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган барча ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб келаётганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёт йўли, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари, хусусийлаштириш жараёни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, музокаралар ўтказди.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Ўзбекистон нефть ва газ секторини ривожлантиришга оид мавзуидаги музокарада мазкур соҳаларга оид сармоявий лойиҳалар тақдимоти ва муҳокамаси бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий сармоя жалб этишнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилди.

Сайёҳлик, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича музокаралар ҳам анжуман кун тартибидаги асосий масалалардан. Буюк ипак йўли бўйида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларимизда сайёҳликни, транспорт ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ИТБ анжумани иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Иқтисодий ислоҳотлар ва хусусийлаштириш жараёнига бағишланган музокараларда эса, мамлакатимизда енгил саноат, тоғ-кон, нефть ва газ, машинасозлик ва банк соҳаларидаги хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармоядорларнинг иштироки хусусидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбирлари**


БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK


### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида фидойилик намунасини кўрсатганлиги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Арабова Карима** — Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 32-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ахмедов Рустам** — Навоий вилояти Нурота туманидаги 2-мактабнинг география ўқитувчиси

**Болиев Асракул Болиевич** — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 27-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Вахабова Огул** — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Исаев Жаббар** — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 25-мактабнинг директори

**Мўминов Каримжон** — Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 29-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Отамирзаев Юсуфжон** — Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Рахимов Мамажон Исаевич** — Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 43-мактабнинг физика-математика ўқитувчиси

**Садуллаев Рахмон** — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-иқтидорли болалар лицейининг кимё-биология ўқитувчиси

**Сеитниязов Нарбай** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 8-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Тоиров Ҳаким** — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 15-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Яъқубов Қосим Мансурович** — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 11-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Ўмирзақов Жумабек** — Жиззах вилояти Фориш туманидаги 51-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Ғойибов Жўра Ёмғирович** — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Абдуллаева Дильдар Мавляновна** — Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси

**Аликулов Саттар** — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани халқ таълими бўлими методика кабинетининг методисти

**Арифходжаев Сайдалим Аскарходжаевич** — Республика таълим маркази табиий фанлар бўлими бош методисти


**(Давоми 2-бетда.)**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Ваисов Харыбжан Ниетуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл тумани халқ таълими бўлими бош мутахассиси

**Ем Ольга** — Андижон вилояти Асака шаҳридаги 7-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Закиров Исламбай Исакович** — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи

**Ибрагимов Келдияр** — Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти бўлим бошлиғи

**Ишбекова Винера Дустмухамедовна** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб директори

**Казаков Эгамберган** — Хоразм вилояти Урганч тумани халқ таълими бўлими мудири

**Ким Владимир** — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 28-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Кравченко Людмила Владимировна** — Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 3-гимназия мактаб директорининг ўринбосари

**Пиримкулов Хушбок** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани халқ таълими бўлими методисти

**Таирова Муяссар Рамазановна** — Бухоро шаҳридаги 32-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Хакимов Турсунбой** — Наманган вилояти Учқўрғон тумани халқ таълими бўлими методисти

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Аминов Хасан Рашидович** — Республика рассомлик коллежининг тасвирий санъат ўқитувчиси

**Атаев Бахтияр Пулатович** — Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежининг мусиқа ўқитувчиси

**Бадалов Луқмон Субҳонович** — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 43-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Бойдедаев Ташпулат** — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 38-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Кутлымуратов Джумабай** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 17-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мамбетов Абдуразак** — Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Назаров Гайрат Назарович** — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 39-мактаб директори

**Обидова Гулнора** — Хоразм вилояти Хива туманидаги 97-махсус мактаб-интернат директорининг ўринбосари

**Пардаев Мирза** — Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 31-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Полванова Раъно** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 201-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Расулов Абдижалол Абдукаримович** — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 2-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Хайдаров Тураб Бегматович** — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 11-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Худоёрова Хожибегим** — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 37-лицей-интернатнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Юсупжанов Талибжан** — Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 13-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

**Ганиева Ирина Викторовна** — Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Ёқубжанов Рахманали** — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 26-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Мажидов Рустамали Ахмадалиевич** — Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги спорт мактабининг мураббийси

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фидокорона меҳнатлари билан кенг жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуназарова Дильшат** — Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-мактабнинг директори

**Дуйсебаев Нурхан Нуртаевич** — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 3-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Ибадуллаев Анвар** — Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 22-мактабнинг директори

**Кенжаев Саттор Хамроевич** — Навоий вилояти Кармана тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари

**Латыпов Тафкиль** — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 28-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Мелиев Тожибой** — Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 16-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Раупов Ибрагим** — Самарқанд вилояти ҳокими ҳузуридаги таълим соҳаси вакиллари Кенгашининг гуруҳ раҳбари

**Рахмонов Ғози Махмудович** — Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 54-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Сабиров Козыбай** — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 51-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Сайфутдинов Одил** — Андижон вилояти Марҳамат тумани халқ таълими бўлими «Нуроний-устоз» уюшмаси раиси

**Ташбабаев Шакархон** — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Тўраев Усмон Умарович** — Бухоро вилояти Олот туманидаги 33-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Хамидова Санобархон** — Наманган вилояти Норин тумани халқ таълими бўлимининг методисти

**Хожиматова Мамлакатхон** — Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 27-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ашурова Махаррам** — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 38-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Аҳроров Равшан** — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 47-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Бегматова Халиниса** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 13-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ерназаров Халилла** — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 6-истеъдод мактабининг кимё ўқитувчиси

**Ибрагимов Аминжан** — Наманган вилояти Чуст тумани педагогика касб-ҳунар коллежининг математика ўқитувчиси

**Керимов Низами Азизович** — Яккакураш бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директорининг ўринбосари

**Махмудов Рахматжон Ахмедович** — Фарғона вилояти Риштон туманидаги 26-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Муминов Хамро** — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 10-мактабнинг география ўқитувчиси

**Отавалиева Ульмасхон** — Андижон вилояти Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг биология ўқитувчиси

**Рахманов Бобажан** — Хоразм вилояти Шовот туманидаги 4-мактабнинг тарих-география ўқитувчиси

**Сарсенбаев Конысбай** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 21-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Тулаев Абдурауб Абдинович** — Тошкент вилояти Пискент туманидаги 27-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Усанов Аллаберди** — Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 4-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Файзуллаев Нартура** — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 7-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Халилов Дурбек Аминджанович** — Фарғона политехника институти физика кафедрасининг доценти

**Хлебожорова Галина Петровна** — Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 404-махсус мактабгача таълим муассасасининг сурдо педагоги

**Холмурадов Тошпулат** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 21-мактабнинг тарих-география ўқитувчиси

**Цой Тамара** — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 2-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Ғаппарова Зарифа** — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Ҳайдаров Суванкул Раимович** — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 16-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни яратиш, уларни ўз юртига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуманонов Абдухамед** — Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги Кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Артикова Гулбиби** — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 18-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Жапбарова Санам** — Навоий вилояти Конимех туманидаги 7-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Заиров Ўткир** — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Зайнидинова Насиба Ешмуратовна** — Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ишназарова Олия Баракаевна** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Йўлдошев Худойназар** — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 5-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Ким Светлана** — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Купер Ася Абрамовна** — Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйининг логопеди

**Нурматов Иномидин** — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Отажанов Бахадир** — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Рўзиев Қамар Қаландарович** — Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Федечева Вера Ивановна** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Эркабаева Дилором Рамзоевна** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 17-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

**Ёшлар истеъдодини камол топтириш, уларни Ватанимизнинг муносиб фуқаролари, маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳамда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллоев Зубайдилло** — Бухоро вилояти Когон тумани халқ таълими бўлимининг мудири

**Алланазаров Турди** — Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 48-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Бердимуратов Махсетбай** — Қорақалпоғистон Республикаси 2-Шуманай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Булекбаева Шолпан Бухарбаевна** — Навоий вилояти Томди туманидаги 10-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Волкова Лариса Александровна** — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Ганиева Хурмат** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Горбанева Валентина Васильевна** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 18-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Губарь Елена Ароновна** — Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 51-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Жалалов Гулам** — Тошкент шаҳар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори

**Зарипов Гулшанжон Хакимжон ўғли** — Фарғона вилояти Сўх туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқитувчиси

**Махамбеталиева Сакип** — Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 4-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мирзаева Рисолат** — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 74-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мирзаева Айби Негмуратовна** — Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 10-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Мустапаев Конысбай** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудири

**Рязанцева Елена Геннадевна** — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Саиднафасова Гулнар Чориевна** — Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Сиддиков Садикжон** — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 17-сон болалар мусиқа мактабининг мусиқа ўқитувчиси

**Султанова Мархаматжон Бойбобоевна** — Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Ситора» номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Тукшайтова Найля Идрисовна** — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 60-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Хасанов Марат Абдушарипович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ёшлар билан ишлаш бўйича педагог-мураббийси

**Чопанашвили Наталия Алексеевна** — Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туманидаги 2-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Эшонкулов Абдулло** — Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Ўтанов Абдулла Ураимович** — Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 15-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда таълим жараёнига янги, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдибокиев Уктамжон** — Фарғона вилояти Боғдод туманидаги 43-мактабнинг география-биология ўқитувчиси

**Абдуахатов Бахтиёр** — Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 4-вилоят лицей-интернатининг кимё ўқитувчиси

**Абдуллаев Валижон Алижанович** — Наманган вилояти Наманган туманидаги 37-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

**Абдуллаев Тохиржон** — Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 42-мактабнинг директори

**Абдуллаев Арзикул Абдираимович** — Сирдарё вилояти Оқолтин ижтимоий-иқтисодий коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Адилова Дилором Асадовна** — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 42-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Адылова Дилорам** — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 67-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Акбарова Сахадатхан** — Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 18-лицей-интернатнинг физика ўқитувчиси

**Аликулов Эркин Бердиёрович** — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 44-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Алмарданов Абсалом** — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 24-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Алматов Рисбой Тожибоевич** — Тошкент вилояти Бўка туманидаги 34-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Арслонов Ибрагим** — Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 21-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Аслиев Насриддин** — Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 6-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Аслонова Мухтарам Аскаровна** — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейнинг биология ўқитувчиси

**Асророва Сабоат Эргашевна** — Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 16-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Ашурова Махмуда Абдусатторовна** — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Бакирова Замирахон Акбаровна** — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 9-мактабнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси

**Баситханова Мунира Шакировна** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Бекимбетова Айпарша Рапыковна** — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 4-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Бердимуратова Рая Убайдуллаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 8-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Бобаярова Замира Суюновна** — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 3-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Бозоров Тоғаймурат Нурмаматович** — Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 6-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Бухаров Адылжан Саидович** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғи

**Глушкова Любовь Михайловна** — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Джалалова Тожибархон Янгиевна** — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 11-санатория мактаб-интернатнинг педагог-психологи

**Досимбетова Салиха Садыковна** — Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Зикрияева Тамара Рустамовна** — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Зукирова Нуриниса** — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактабнинг математика ўқитувчиси

**Йўлчиев Норматжон Маматович** — Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги лицей-интернатнинг директори

**Касимова Надира Жамаловна** — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 46-мактабнинг кутубхона мудири

**Латифжонов Козимжон** — Андижон вилояти Андижон туманидаги 27-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Мамасидиков Хакимжон** — Наманган вилояти Поп тумани халқ таълими бўлимининг фонд дарсликлари бўйича методисти

**Мирсоатова Хафиза Абдуллаевна** — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Миртожиев Меливай** — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 14-мактабнинг география ўқитувчиси

**Мурадова Маҳлуза Ғаниевна** — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 37-мактабнинг директори

**Мухтаров Алламберган** — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 33-мактаб директорининг ўқув ишлар бўйича ўринбосари

**Набиходжаев Дилшод Ибрагимович** — Андижон вилояти Избоскан ижтимоий иқтисодий касб-ҳунар коллежининг математика ўқитувчиси

**Негматова Зулфия Саидовна** — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 8-мактабнинг расм ва чизмачилик ўқитувчиси

**Нуралиев Нурмахмат** — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 70-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Однаматова Дилором Эргашевна** — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 12-мактабнинг рус тили ўқитувчиси

**Орынбаев Куанышбай Конысбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 1-лицейининг инглиз тили ўқитувчиси

**Отабоева Ирода Фозиловна** — Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Пайзимуродова Потимахон Тожиалиевна** — Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 25-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Рахимова Мухтабар Каюмовна** — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 22-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Рахманов Шарофидин Хазратович** — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 34-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Рахманов Саид Ибрагимович** — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 3-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг француз тили ўқитувчиси

**Рузиев Абдурашид** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг информатика ва математика ўқитувчиси

**Санакулов Камбар Батирович** — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 81-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Сафарова Гулнора Облаевна** — Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 9-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Сейдалиева Генжегул Икмадуллаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 1-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Сузаков Рахмат Машрапович** — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 32-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Ташева Хонзода** — Хоразм вилояти Боғот туманидаги 20-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Ташбаев Бегназар Назарович** — Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги иқтидорли болалар мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Тошмуротов Чори Турдиевич** — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Ёш техниклар ижодиёти марказининг тўгарак раҳбари

**Туратов Басим** — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани халқ таълими бўлими мудирининг муовини

**Турғунова Тошмома Турсуновна** — Фарғона вилояти Қува туманидаги 2-ихтисослашган мактаб-интернатнинг тарих ўқитувчиси

**Турдиева Жамила Сафаровна** — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 39-мактабнинг география ўқитувчиси

**Турдиева Ниёзбуви Шерановна** — Жиззах вилояти Зомин тумани халқ таълими бўлимининг методисти

**Турманова Перихан Абдижамаловна** — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 12-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Умурзакова Муборак Кодировна** — Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 31-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Уралов Абдували Тургунович** — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 8-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Урмонов Жалолиддин Рустамович** — Фарғона вилояти Данғара туманидаги 2-лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

**Фузайилова Зайнаб Исроиловна** — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Хайдаров Обиджон Вахобович** — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Хакимов Собир Джуракулович** — Самарқанд вилояти Боғишамол туманидаги 9-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Халилова Турсуной** — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 6-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Хлынова Валентина Васильевна** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Худайназарова Мукаддас Орзиматовна** — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Худайназарова Гуёхон Холмирзаевна** — Андижон вилояти Бўз туманидаги 15-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Худиярова Кызларгуль Калбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 57-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Чориева Марзия Баймухаметовна** — Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 14-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Эшанкулов Рахмон Сатторович** — Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 45-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Эшонкулова Богсара Байрамовна** — Бухоро вилояти Бухоро туманидаги «Қизил чиннигул» номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Юлдашева Шохида Шакарзатовна** — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар лицейининг инглиз тили ўқитувчиси

**Юсупов Бахриддин Абдиалимович** — Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Юсупова Раиса** — Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 43-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Юсупходжаева Мукаддас Акбаровна** — Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Қадырниязова Қатиша Бердиниязовна** — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 21-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Қодиров Маҳмарайим** — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани халқ таълими бўлимининг методисти

**Қосимова Манзурахон Ўктамовна** — Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 24-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Қурбонов Эшмамат** — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 32-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Қўчқорова Бибиражаб Ибрагимовна** — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 16-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Ҳасанов Сувар Жабборович** — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Ҳақбердиева Матлюба Алимовна** — Навоий вилояти Навоий туманидаги 3-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 сентябрь

**ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ**

### ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● **ЎзХДП Боғот туман кенгаши**нинг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Икром Юсупов мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Шунингдек, пленумда Ўзбекистон ХДП МК V пленуми қарорларидан партия ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифалар ҳам муҳокама қилинди. Қатор тадбирлар ва ишларни амалга ошириш режалари белгилаб олинди. Булар ҳақида ХДП Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби Б.Бобожонов ўз чиқишида алоҳида тўхталиб ўтди. Пленумда туман ҳокими Р.Бекчонов сўзга чиқди.

● **Сирғали тумани**даги «Баҳор», «Ёшлик» маҳаллалари ва Темирбетон конструкциялари заводи ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари биргаликда ўтказган очиқ партия йиғилишида партия аъзолари ХДП МК V пленумидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, йиғилганлар эътиборига Тошкент давлат юридик институти доценти, партия фаоли Х.Рўзиметовнинг «Мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотида сиёсий партияларнинг фаолияти» мавзуидаги маърузаси ҳам ҳавола этилди

● Олий Мажлиснинг XII сессияси ҳужжатлари ва унда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда **ХДП Шовот туман кенгаши** самарали фаолият юритмоқда. Партия фаоллари, туман ҳокимлиги масъул ходимлари, мутахассислар, ҳуқуқшунослар иштирокида махсус гуруҳлар тузилди. Улар маҳаллалар марказлари, ташкилот, корхона ва меҳнат жамоаларида бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бордилар. Туман маиший хизмат ва қурилиш касб-ҳунар коллежи, Хитой, Катта қалъа қишлоқлари ҳудудий БПТларида бўлиб ўтган учрашувлар, айниқса, қизиқарли бўлди. Иштирокчилар сессия ҳужжатлари билан биргаликда икки палатали парламент тизимининг афзалликлари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги саволларига ҳам атрофлича жавоб олдилар.

*Мулоҳаза*

# СУВ ЛОЙҚАСИ

## ЭЛЕМЕНТЛАРГА БОЙ ОЗУҚА, УНДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎҒИТ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН

Ўздаверлойиҳа, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти ва Республика агрокимё станцияси маълумотларига қараганда, кейинги йилларда мамлакатимизнинг суғориладиган майдонларида қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур озуқа элементларининг ҳаракатчан миқдори камайиб бораётир. Тупроқларимизнинг 1982 ва 2001 йиллардаги ҳолатлари ўзаро солиштирилса, қуйидаги хулосага келиш мумкин: 1982 йилга нисбатан 2001 йили суғорилиб ҳайдаладиган ерларнинг 1 кг. ҳайдалма қатламида 20 мг. азот бўлган, яъни ўта паст даражада таъминланган тупроқлар майдони 5% га, 20-30 мг. азот (паст даражада таъминланганлари) сақлайдиганлари эса 10% га кўпайган. 1 кг. да 50-60 мг. ҳаракатчан азот бўлган яъни яхши таъминланган майдонлар 6% га камайган. Шунингдек, ҳаракатчан фосфор билан кам таъминланган (0-30 мг/кг.) майдонлар 9% га кўпайган, юқори даражада таъминланганлар эса 8% га камайиб кетган. Яна ҳаракатчан калий билан паст даражада (0-200 мг/кг.) таъминланган майдонлар 4% ошган бўлса, юқори даражада таъминланган майдонлар 5%га камайганлиги маълум бўлди.

Озуқа элементлар миқдорини кескинроқ камайиши айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари тупроқларида кўпроқ учрайди. Хўш, нима учун бундай?

Бунинг асосий сабаби шундаки, тупроқдан озуқа элементлар кўпроқ чиқиб кетиб, камроқ миқдорда улар тупроққа қайтиб келмоқда, яъни кирув ва чиқув баланси бузилмоқда. Тўғри, республикада шу баланс бузилмаслиги учун иложи борича азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар керакли жойларга етказиб берилмоқда. Бироқ бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш талабини тўлиқ қондираяпти, деган гап эмас... Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик учун озуқали элементларнинг қўшимча манбаларини топиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқшунослик ва агрокимё институти жамоасининг кўп йиллик олиб борган тажрибаларида кўрсатилишича, суюқ ва қаттиқ чиқиндилар, лигнин, дарахтларнинг кузда тўкилган барглари, чучук сув лойқаси ва ҳоказолар ўзларида кўплаб озуқа элементларини сақлайдилар. Уларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу манбаларнинг ичида энг катта заҳирага эга ва энг зарарсиз ресурс — бу чучук сув лойқасидир. Унинг таркибида 1,0-1,2% гача азот, 0,14-0,18% гача фосфор, 0,2-0,3% гача калий, кўплаб органик моддалар ҳамда макро ва микро, шунингдек, ултрамикроэлементлар мавжуд. Чучук сув лойқасининг 20 тоннаси 116 кг. азот, 36 кг. фосфор ва 60-70 кг. гача калий сақлайди. Бундан кўриниб турибдики, чучук сув лойқаси озуқа элементларга бой ва ундан бемалол ўғитсимон масса сифатида фойдаланилса бўлади. Унинг заҳираси эса жуда катта...

Дарвоқе, САНИИРининг маълумотига қараганда, республикадаги 53 та сув омборида 2 млрд. тонна атрофида чучук сув лойқаси чўкиб ётибди. Энг асосий муаммо — уни сув омборлари тубидан қазиб чиқариш ҳисобланади.

Маълумки, сувда сузиб юрувчи экскаваторлар бор, улар ёрдамида шу лойқаларни қирғоққа олиб чиқса бўлади. Бу соҳада маълум тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган. Булардан ташқари, вилоятлардаги кичикроқ сув ҳавзаларида, хўжаликлараро ариқ ва каналларда ҳам катта миқдорда лойқалар тўпланиб қолган. Баъзи бир сув ҳавзаларида, масалан, Сирдарё вилоятидаги Оқолтин туманининг балиқчилик хўжалигида лойқанинг 30 см.ли қатлами ҳосил бўлган, 100 гектар майдонда унинг заҳираси 390000 тоннани ташкил қилади. Лойқани зарарсизлантириш учун уни бир йил давомида очиқ ҳавода қолдириш керак бўлади. Шу даврда унинг таркибидаги заҳарли бирикмалар оксидланади ва заҳарсизланади.

Шу жараёндан кейин чучук сув лойқасини қандай бўлса, шундай ҳолатда ёки органик моддалар миқдорини кўпайтириш мақсадида лойқага 50:50 нисбатда гўнг, ўсимликларнинг майдаланган қолдиқларини, дарахт баргларини ва ҳоказоларни қўшган ҳолда компост тайёрлаш мумкин. Уларни кузда шудгор остидан берилса, самараси катта бўлади ва минерал ўғитлар ўрнини боса олади. Бу эса республика иқтисодиётига катта даромад олиб келиши турган гап.

**Жўра САТТОРОВ,**
**ЎзФА академиги, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти бўлим мудири**

## XORIJDA

### АФҒОНИСТОН УЧУН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ

АҚШ Президенти Жорж Буш Афғонистонни қайта тиклаш ишлари учун яна 1,2 миллиард доллар миқдорида қўшимча маблағ ажратишга қарор қилди. Маълумки, айнан шу мақсадлар учун аввал ҳам АҚШ ҳукумати давлат бюджетидан 1,8 миллиард долларлик маблағ ажратган эди. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Афғонистон масаласи бўйича БМТ шафелигида Нью-Йоркда бўлиб ўтган халқаро йиғинда маълум қилди.

«Биз бу маблағни Афғонистон миллий армиясини шакллантириш жараёнини тезлаштириш мақсадларига сарфлаймиз. Бундан ташқари миллий полиция ва чегара хизматини ташкил этишга ҳам моддий кўмак берамиз» деди у.

Шунингдек, ажратиладиган маблағ Афғонистонда иқтисодий инфраструктурани қайта тиклаш, мактаб, касалхона ва йўллар қуришга ҳам сарфланади.

Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай БМТ йиғинида сўзга чиқаркан, мамлакат Мудофаа вазирлигини қайта тузиш ишлари якунланганлиги ва бу ўз навбатида Афғонистоннинг янги армиясини ҳамда полициясини ташкил этишга йўл очиши ҳақида гапирди. АҚШ, Германия ва Япония бу борада ўз ёрдамини аямаётганини алоҳида уқтирди, дея хабар беради «Новости» агентлиги.

*Шарҳловчи минбари*

# МУҲЛАТ — ОЛТИ ОЙ

## ШУ МУДДАТ ИЧИДА ИРОҚДА ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНИШИ ЛОЗИМ

Аввало гапни АҚШнинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясини кутиб ўтирмай Ироққа яна 15 минг аскар жўнатишга қарор қилганидан бошласак. Дарҳақиқат, АҚШ маъмурияти шундай қарорга келди ва 10 минг ҳарбий жўнатилишини ўтган жумада маълум қилди. Associated Press агентлигининг хабар беришича, улар Шимолий Каролинадаги 30- ва Арканзасдаги 39-пиёдалар бригадасидир. Улар икки ҳафта ичида Ироққа ташланади. Яқин кунларда яна 5 минг кишилик 81-Вашингтон бригадаси жўнатилиши ҳақидаги буйруққа ҳам имзо чекилади. Кўриниб турибдики, Ироқда Америка аскарлари ўрнини тўлдириш жараёни сезиларли даражада амалга оширилади (Шу кунларда Ироқда 130 минг Америка ҳарбийси, 20 минг бошқа иттифоқчи мамлакатлар аскарлари хизмат қилмоқда). Ўрнини тўлдириш деганда шуни тушуниш лозимки, Ироқдаги Америка қўшинлари таркибидан 15 минг ҳарбий таътилга чиқарилади.

BBCнинг аниқлик киритишича, ярим йиллик хизматни ўтаганлар таътилга чиқарилиши лозим. Аммо ҳозир уларни ўз муддатида таътилга чиқариш муаммо бўлиб турибди. Ҳозирча икки ҳафталик қонуний таътил икки юз нафар денгиз пиёдаси аскарига насиб этди холос.

Аслида Америка Ироқдаги коалиция кучлари таркибини алмаштириб туриш масаласида бошқа иттифоқчи давлатлардан ҳам тинчлик кучлари жўнатилишига умид боғлаган эди. Аммо кенг миқёсдаги бу операция БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги баҳс-мунозараю, тортишувлар сабаб тўхтаб қолмоқда.

Маълумки, Германия, Франция ва Россия Ироқдаги ҳукумат бошқарувини тез орада БМТ ва ироқликлар ихтиёрига беришни талаб этиб, Америка томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган резолюция лойиҳасига рози бўлмаган эдилар. Бироқ АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл буни бўм-бўш фантазия, деб атади. Негаки, ҳозирги кунда давлатларнинг нуқтаи назарлари бир-бирига яқинлашиб бормоқда. Айниқса, бу борада Россиянинг нуқтаи назари ўзгарганлигини яққол илғаш мумкин. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, Россия Президенти Владимир Путин БМТ Бош ассамблеясида сўзга чиқаркан Ироқдаги оғриқли нуқталарга кўп ҳам урғу бермади. Демак, Москва Вашингтонга ёрдам беришга тайёр эканлигини сезиш мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатлар нуқтаи назаридаги яқинлашув Ироқ масаласи бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашида қабул қилинажак янги резолюция тақдирига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Яъни резолюция овозга қўйилишида АҚШ айнан шу давлатларнинг қўллаб-қувватлашига умид билдирмоқда. Резолюция шу ҳафтада овозга қўйилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ироқдаги давлат бошқаруви тез орада БМТ ва ироқликлар қўлига ўтиши мумкинлигини маълум қилди. Бунинг учун Ироқдаги Муваққат ҳукумат Кенгаши мамлакатнинг янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим. BBC News сайтидаги хабарда ёзилишича, АҚШ давлат котиби айнан шу масала бўйича Ироқ ҳукумати Кенгашига мурожаат этган ва Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун уларга 6 ойлик муҳлат берган.

Ироқ президентлик жорий этилган республика бўладими ёки парламент республикаси бўладими, янги Конституция шунга аниқлик киритиши лозим. Шунингдек, умумий сайловлар ўтказиш учун шароит ҳозирланиши даркор.

Давлат бошқарувини ироқликлар қўлига бериш учун мамлакатда, албатта, Конституция қабул қилиниши ва умумий сайловлар ўтказилиши шарт, дея ҳисоблайди АҚШ маъмурияти.

Эслатиб ўтамиз: Ироқдаги операцияларда қатнашувчи давлатлар рўйхатини кенгайтириш имконини берувчи янги резолюция БМТ томонидан қабул қилиниши учун Оқ уй маъмурияти саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашида вето қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган Франция эса янги резолюцияни қўллаб-қувватлаши мумкин, қачонки унга Ироқнинг мухтор ҳукуматини тез орада тузиш пункти киритилса.

Франция Президенти Жак Ширак ўзининг икки босқичли режасини таклиф этди, яъни АҚШ аввалига Ироқ муваққат ҳукумати Кенгашининг 25 кишилик аъзосига давлат бошқарувини рамзий топшириши, сўнг 6-9 ой ўтгач, Ироқ вазирларига реал ваколатларни бериши лозим.

Лекин Пауэлл Ироқ ҳукумати умумий сайловлар натижаларига кўра сайланмас экан, бу ҳукумат қонуний эмасдир, дея ҳисоблайди ва бу Саддам Ҳусайн тарафдорлари учун фақат танқид нишони бўлиб қолаверади.

Кўриниб турибдики, Ироқ масаласи дунё ҳамжамияти олдида ҳануз долзарблик касб этмоқда. Мамлакат келажагини қуриш борасида ҳали баҳс-мунозаралар давом этади. Бу борада қандай тўхтамга келишни эса вақт кўрсатади.

**Алимқул СУЛТОН**

### ҚАМОҚХОНАДАН ШИФОХОНАГА ЎТКАЗИЛДИ

Ироқнинг собиқ бош вазир ўринбосари Тариқ Азиз миокард инфарктига чалингани боис Бағдоднинг қаттиқ тартибдаги «Радвания» қамоқхонасидан шаҳар шифохонасига ўтказилди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

Тариқ Азиз даволаш курсларини олиб бўлгач яна қамоқхонага қайтарилади.

### 200 МИЛЛИОН ЕВРО АЖРАТИЛАДИ

Европа комиссияси 2004 йилда Ироқни қайта тиклаш ишларига 200 миллион евро ажратишни таклиф этди. АҚШ эса айнан шу мақсадлар учун 20 миллиард доллар ажратишни кўзлаб турибди.

Айрим манбаларга кўра, Ироқ иқтисодиётини тиклаш учун 75 миллиард доллар атрофида маблағ керак экан, дейилади Reuters ахборотида.



Финландия кўчаларида

### ХИТОЙ ВА АҚШ БИРИНЧИ

АҚШ Конгрессининг тадқиқотлар хизмати томонидан тайёрланган шарҳда қайд этилишича, Хитой 2002 йили дунёда энг кўп қурол-аслаҳа сотиб олган давлат экан. У ўтган йили 3,6 миллиард долларлик қурол сотиб олган. Ундан сўнг Жанубий Корея (1,9 миллиард долларлик), учинчи ўринда эса Ҳиндистон (1,4 миллиард долларлик) туради.

Reuters берган хабарга кўра, жаҳон бозорида қурол савдоси билан шуғулланувчи давлатлар орасида ўтган йили АҚШ энг кўп қурол экспорт қилган экан. Яъни 8.6 миллиард долларлик. Бу борада Россия иккинчи ўринда туради. У 5 миллиард долларлик қурол-яроғ сотган.

Шундай қилиб, АҚШ жаҳон бозорининг 48,6 фоизини назорат қилса, Россия 28,3 фоизини, Франция эса 5,3 фоизини назорат қилиб, ўтган йили 1 миллиард долларлик қурол сотган.

### ҚАРЗ ЎРНИГА — ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ

Қирғизистон ҳукумати бир неча давлат корхоналари бошқарувини Россия ихтиёрига беришга тайёргарлик кўрмоқда, дея хабар беради «Қирғиз пресс» агентлиги.

Корхоналар рўйхати шу йил кузда Россия саноатчилари ва тадбиркорларидан иборат делегация Қирғизистонга ташриф буюрган пайтда тасдиқланади. Ўшанда бир неча завод ва фабрикаларнинг акциялар пакети Қирғизистоннинг давлат қарзи ҳисобига Россия ихтиёрига ўтказилади. Айрим объектлар эса қўшма корхона сифатида қайта ташкил этилади.

# ЯНГИ УЙ МУБОРАК, МАТБААЧИЛАР!

## ЯҚИНДА «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЎЗ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН КЎП ҚАВАТЛИ ЯНГИ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРДИ



Компания меҳнат фахрийлари қаторида 90 ёшни ортда қолдирган, умрининг 70 йилга яқинини ноширлик соҳасига бағишлаган, кўп йиллар масъул лавозимларда ишлаган, ҳамкасблари ҳурматига сазовор Соломон Львович Могилевский деган бир инсон бор. Компаниянинг юзга яқин оиласи учун катта байрамга айланиб кетган ушбу кунларда у киши анча йиллар илгари айтиб берган бир латифа ёдимга тушиб кетди.

«Бир яҳудий бўлган экан. Турмушдан қийналиб, маслаҳат сўраб равиннинг олдига келибди.

— Шароитим оғир. Болаларим билан бир хонада яшаймиз. Маслаҳат беринг, — дебди.

Равин бир оз ўйлаб:

— Ўша хонанинг четидан жой қилиб, товуқ боққин, — дебди.

Бир неча ойдан сўнг яна келибди.

— Айтганларингизни қилдим, лекин ўзгариш йўқ, — дебди.

— Энди товуқлар ёнига қўй қўшиб боққин.

У учинчи бор равин ҳузурига келибди.

— Биламан, — дебди равин, — сенга ҳозир оғир бўляпти. Лекин яхши яшашни истасанг, сўнгги шартимни ҳам бажарасан. Яъни бир сигир олиб, уни ҳам ўша хонага жойлайсан. Бир ҳафта ўтгач олдимга келасан.

Яҳудий шундай қилибди.

— Аҳволингни тушуниб турибман, — дебди равин — энди товуқларингни сотиб юбор. Бироз ўтиб қўйни, яна бироз ўтиб сигирни ҳам сот.

Бир куни яҳудий равиннинг ҳузурига жуда хурсанд ҳолда кириб келибди.

— Ҳамма айтганларингизни қилдим. Ҳозир уйим шу қадар кенгайиб кетдики, болаларим чопиб юришибди...

Ўшанда Соломон Львович: — Мен равин эмасман. Инсон сабр-тоқат билан яшаши керак. Ҳалол ва виждонан меҳнат қилиши керак. Ана шунда, албатта, мақсадига эришади, одамлар ҳурматига сазовор бўлади, — деган эди.

Унинг насиҳатларига қанчалик амал қилдим, билмадиму, лекин кўп йиллик меҳнатларим қадр топди. Мустақиллигимизнинг 12 йиллигида компания раҳбарияти ишчиларга катта совға тайёрлади. 95 хонадан иборат муҳташам ва кўркам уй эгаларига топширилди. Шулар қаторида мен ҳам борлигимдан хурсандман.

— Ҳали режаларимиз жуда катта. Ишчи-хизматчиларимиз турмуш шароитини янада яхшилашни биз ўзимизга бош мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди қурилиш ишлари бўйича бош директорнинг ўринбосари Абдуҳаким Юсупов.

Сир эмас, ҳозир ишчилар учун уй-жой қуриш у ёқда турсин, ўз корхонасини рисоладагидек бошқаролмаётганлар қанча. Бу ҳам раҳбариятнинг ишбилармонлиги, ишчиларнинг фидокорлигидан далолатдир.

**Қодиржон ҚАЮМОВ,**
**ишчи**

*Тафсилот*

# КВОТА ҚИСҚАРТИРИЛДИ

## Бундан ташвишга тушган АҚШ Президенти биринчи марта OPECга мурожаат этди



Аввал хабар қилганимиздек, нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти — OPECнинг Венадаги штаб-квартирасида бўлиб ўтган 127-конференцияда шу йил 1 ноябрдан нефть қазиб олиш ва уни экспорт қилиш кунлик ҳажмини 900 минг баррелга камайтириш борасида қарор қабул қилинган эди.

Нефть қазиб олиш квотаси қисқартирилганидан ташвишга тушган АҚШ Президенти Жорж Буш биринчи марта OPEC маъмуриятига мурожаатнома жўнатди. Унда квота қисқартирилиши натижасида энергия таъминоти, биринчи навбатда нефтнинг баҳоси кўтарилиб кетишидан расмий Вашингтон ташвишга тушаётгани билдирилган.

Оқ уй вакили Скотт Макклелланнинг журналистларга маълум қилишича, «Америка маъмурияти дунё нефть экспортининг учдан ортиқ қисмини ўз назорати остига олган OPEC ташкилоти аъзолари билан бир қатор маслаҳатлашувлар олиб борган ва унинг раҳбарияти нефть хомашёсининг биржалардаги баҳоси «бозор шароити» даражасида сақлаб турилишига ишонч билдирган».

Макклелланнинг фикрича, нефть баҳосини бозор шароити белгилайди, аммо уни етказиб беришга кафолат бўлиши лозим. Негаки, нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ҳам, унинг истеъмолчиси бўлган давлатлар ҳам ундан бирдек манфаатдордир.

Шу ўринда OPEC ташкилотига кирмаган, лекин нефть қазиб олиш бўйича дунёда еттинчи ўринда турувчи Мексика давлатининг бу борадаги «тутуми» ҳақида тўхталадиган бўлсак, мамлакат Энергетика вазирлигидан «Новости» агентлигига хабар қилишларича, Мексика нефть экспортини оширмоқчи эмас.

Вазирлик вакилининг айтишича, Мексика 2004 йилда ҳам бугунги ҳажмда, яъни кунига 1,88 миллион баррел нефть экспорт қилишни мўлжаллаб турибди. Лотин Америкаси ҳам худди шундай даражада «қора олтин» экспорт қилмоқчи.

OPECнинг дунё нефть бозорида нефть барқарорлигини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз» деди Мексика Энергетика вазирлиги вакили.

Маълумки, Мексика OPEC ташкилотига аъзо эмас, аммо кейинги пайтларда нефть ишлаб чиқариш борасида у билан ҳамоҳанг иш олиб бормоқда.

OPECнинг кейинги қарорлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, ташкилот ўзининг аъзо мамлакатларига нефть ишлаб чиқариш квотасини қайта тақсимлаб чиқди. Унга кўра, бир кунда 7 миллион 963 минг баррел нефть ишлаб чиқарувчи Саудия Арабистони бу кўрсаткични 293 минг баррелга қисқартириши белгиланди.

Ташкилотга аъзо бошқа давлатларнинг бу борадаги кўрсаткичлари билан танишинг:

Эрон — бир кунда 3 миллион 597 минг баррел нефть ишлаб чиқарарди — 132 минг баррелга қисқарган.

Венесуэла — 2 миллион 819 минг — квота 104 минг баррелга камайган.

Бирлашган Араб Амирликлари — 2 миллион 138 минг — 79 минга қисқарган.

Нигерия — 2 миллион 18 минг — 74 минг баррелга камайган.

Қувайт — 1 миллион 966 минг эди — 72 мингга қисқарган.

Ливия — 1 миллион 312 минг — 48 мингга;

Индонезия — 1 миллион 270 минг — 47 мингга;

Жазоир — 782 минг — 29 мингга;

Қатар — 635 минг — 23 минг баррелга камайган.

OPECнинг ўн биринчи аъзоси бўлмиш Ироққа нисбатан эса квота белгиланмади.

# ВАДИМ КУЦЕНКО — WILD CARD СОҲИБИ

Ўтган якшанба куни пойтахтимизда теннис бўйича мукофот жамғармаси 100.000 АҚШ доллари бўлган XXXI Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда қитъамизнинг ўн саккиз давлатидан ташриф буюрган энг кучли теннисчилар куч синашдилар.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда вакилларимиздан фақат Вадим Куценкогина муваффақиятли иштирок этди. У ярим финалда чемпионатнинг биринчи ракеткачиси хитой-тайпейилик Ю Цзу Ванг билан баҳс юритиб, ғалаба қозонди — 6/2, 6/0. Алексей Кедриюк (Қозоғистон) ҳамда Феби Видиянто (Индонезия)лар ўртасидаги ярим финалнинг иккинчи учрашуви Вадимнинг финалдаги рақибини аниқлаб берди. Унда Кедриюк устун келди — 6/4, 6/2. Бундай нуфузли мусобақада илк маротаба финалга чиққан ҳамюртимиз ҳал қилувчи учрашувда ҳам ўз мухлисларини қувонтирди — 7/6 (3), 6/2. Вадим Куценко юртимиз тенниси тарихида биринчи бўлиб Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди!

Аёллар ўртасидаги мусобақанинг яккалик баҳсларида ярим финалга йўлланма олган Оқгул Омонмуродовадан мутахассисларимизнинг умиди катта эди. Бироқ, у хитой-тайпейилик Чиа-Жунг-га Чуанг имкониятни бой бериб, финалга чиқа олмади — 1/6, 7/6 (3), 4/6. Мусобақанинг иккинчи финалчиси бўлиш бахти ҳам Хитой-Тайпейининг яна бир теннисчиси Чен-Вей Чанга насиб этди. У ярим финалда бу йилги мусобақа «кашфиёти», деб эътироф этилган Вукирасиш Савондари(Ҳиндистон)ни енгди — 7/6 (3), 4/6, 6/4. Хитой-Тайпейи вакиллари ўртасида кечган қизиқарли финал баҳси Чиа-Жунг Чуангнинг тўла устунлигида ўтди — 6/4, 6/4.

Чемпионатнинг жуфтлик баҳсларида Оқгул Омонмуродова ва Иванна Исроиловалар жуфтлиги финалда Чуанг/Чан (Хитой-Тайпейи)га сабоқ беришди — 6/2, 4/6,6/4. Йигитларимиз Вадим Куценко/Олег Огородовлар жуфтлиги эса финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратди. Фақат ҳал қилувчи учрашувда омад Асам Қурейши (Покистон)/Алексей Кедриюк (Қозоғистон) жуфтлигига кулиб боқди — 4/6, 4/6.

— Ўзбекистон Осиёда теннис жадал ривожланаётган мамлакатлардан бири саналади, — деди чемпионат ёпилишига ташриф буюрган Халқаро теннис федерацияси (ITF) президенти Франчиско Риччи-Битти. — Сўнгги йилларда бу ерда ўтаётган халқаро мусобақалар савиясининг юксак баҳоланаётганлиги ҳам шундан далолатдир. Мамлакат Президенти ва ҳукуматининг ғамхўрлиги боис, жуда кўплаб иқтидорли теннисчилар етишиб чиқмоқда.



Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида чемпионат ғолиблари ва финалчиларига совғалар топширилди. Шунингдек, яккалик баҳслари чемпионлари Вадим Куценко ҳамда Чиа-Жунг Чуангларга келгуси йилнинг январида Мельбурнда бўладиган «Катта дубулға» туркумидаги Australian Open мусобақасининг асосий тур учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи wild card (йўлланма)лар тақдим этилди.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратда: жуфтлик баҳслари ғолиби Иванна Исроилова.**

## Интер-спорт

### Чемпионни писанд қилмай

Машҳур пойгачи Михаэл Шумахер АҚШнинг Гран-при мукофоти учун ўтказилган жаҳон биринчилигида имкониятни бой бериб қўяй деди. Унга асосан фин пойгачиси «Макларен» жамоаси аъзоси Кими Ряйкёнен қаршилик кўрсатди. Умумҳисобда Кими Шумахердан бор-йўғи 9 очко орқада бормоқда. Гап шундаки, қизғин баҳсда ҳар иккала пойгачи марра чизиғини баравар кесиб ўтишди. Энди Шумахер олтинчи марта жаҳон чемпиони номини олиш учун Япониянинг Сузуке пойга йўлида кучли саккизликдан ўрин олиши шарт бўлиб турибди. Кими эса фақат мутлақ ғалабага эришсагина чемпион бўлиши мумкин.

### Жамоани тарк этмоқчи

Англия футбол терма жамоасининг мураббийи Эриксон муддатидан олдин шогирдлари билан хайрлашмоқчи. Унинг фикрига қараганда, терма жамоа билан ишлашдан кўра клублар билан ишлаш қизиқроқ экан. Умуман олганда, мураббийнинг шартномаси 2006 йилда тугайди. Эриксон эса келаси йили ёзда Европа чемпионати тугагандан кейин жамоасини тарк этмоқчи. Ҳозирча бу мураббийни Чукотка губернатори сотиб олган «Челси» клуби кўпроқ қизиқтирмоқда.

# Олмалиқ тоғ-маъданчилик техникуми жамоаси

***Маърифатпарвар халқимиз келажак бунёдкори, деб эъзозлайдиган, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгалари бўлган муҳтарам устозларни, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент вилояти Ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази ходимларини умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий табриклайди!***



*Бизнинг коллежимиз асосан Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва шаҳардаги бошқа корхоналарга техника соҳаси бўйича малакали мутахассис кадрлар етказиб бермоқда. Ўқув даргоҳининг кундузги бўлимида 1000 дан ортиқ, сиртқи бўлимида эса 500 дан зиёд талаба таҳсил олмоқда.*

*Азиз устозлар!*

***Сизларни шодиёна билан яна бир бор қутлар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хайрли ишларингизда янгидан-янги омадлар тилаймиз.***

# ЭЗГУЛИКНИНГ ЭРТАСИ БОР

*Жаҳондаги барча тараққий этган мамлакатларда ёшларнинг истеъдодини намоён этишга, айниқса, техника ва информатика асрига айланган бизнинг давримизда энг замонавий касб-ҳунарларни эгаллашларига алоҳида аҳамият берилади. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ёшларни баркамол шахслар қилиб тарбиялаш ҳаракати бошланди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳаётга татбиқ этиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими биргаликда ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар.*

*Жумладан, таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника ва ўқув қуроллари билан жиҳозлаш кун тартибидаги асосий масалага айланган. Бунинг ижобий натижаси ўлароқ, шаҳар халқ таълими тасарруфидаги 8 та ўрта мактаб, 13 та мактабгача таълим-тарбия муассасаси, 2 та мактабдан ташқари муассасаларда замонавий ўқув жиҳозлари асосида ёшларга билим ва тарбия берилмоқда.*

*Ўсиб келаётган ёш авлодни ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар қалбига янгича ўқиш, ишлаш ва яшаш тафаккури, миллий истиқлол ғояларини сингдириш иш фаолиятининг асосий мезони эканлигини чуқур англаган ҳолда меҳнат қилаётган, тинмай изланаётган ходимларимиз ўқув йили давомида шаҳар умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари тарбиявий ишлар, ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш бўйича қабул қилинган дастур ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни аниқ режа асосида олиб бормоқдалар. Мактабларда ўқувчиларга бўш вақтдан унумли фойдаланишни ўргатиш мақсадида турли хил янги-янги тўгараклар фаолияти ташкил этилган. Шаҳар тасарруфидаги 8 та мактабда жами 111 та тўгарак бўлиб, уларга 2506 нафар ўқувчи қатнашади.*

*Болалар ва ўсмирлар техник ижодиёт маркази мактабдан ташқари муассасаларнинг асосий негизи ҳисобланади. Бу ерда ўқувчилар турли кўргазмалар, мусобақалар, танловларда қатнашиб мактабда олган билимларини янада мустаҳкамлайди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 16 тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Юнон-рум кураши, миллий кураш, қўл тўпи, стол тенниси, футбол, бокс кабилар шулар жумласидандир. Мактаб жамоалари ва ўқувчилар «Умид ниҳоллари», «Қувноқ стартлар» каби мусобақаларда, «Томчи сувда ҳаёт жилваси» кўрик-танловларида фаол иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ва шаҳар халқ таълими бўлими томонидан васийликда рўйхатда турувчи болаларга Наврўз, Мустақиллик байрамлари арафасида, Халқаро болалар кунида совға-саломлар улашилди. Шаҳар ҳокимлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ва шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорликда вояга етмаганлар билан ишлар олиб бориш борасида янги тадбирлар белгиланмоқда.*

*Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлимининг таълим муассасаларидаги ёшлар ўртасида гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича буйруғи чиқарилган ва бу борада ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.*

*2003 йил — «Обод маҳалла йили» муносабати билан шаҳар халқ таълими бўлими ишлаб чиққан тадбирлар дастури асосида шаҳар ҳокимлиги, ота-оналар ҳамда ўқитувчиларнинг баҳамжиҳат ҳаракатлари ютуқлар омили бўляпти.*

*Ўқитувчилик азалдан эътиборли касб ҳисобланиб келган. Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишларида ана шу ўқитувчи ва мураббийларимизнинг ўрни беқиёс. Президентимизнинг Фармони билан 1997 йилдан бошлаб. 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгиланди. Бу эса, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун ўқитувчиларимиздан янада фаоллик ва шижоат билан ишлашни талаб этади. Зеро, тараққиёт ва техника асрида бизнинг бугунги иқтидорли ёшларимиз ҳам эртанги кунимизнинг муносиб ворисларидир.*

*Халқимизда пурмаъно, ҳикматли «Устоз — отангдан улуғ», деган гап бор. Зотан, устоз ҳар биримиз учун ҳаётдаги энг улуғ зотдир. Устозларнинг машаққатли меҳнати, баайни эзгуликнинг уруғини қалбларга сочишдек, улуғ заҳматларини ҳамиша қадрлаймиз. Ёшлар келажагимиз, демакки улар эзгуликнинг эртасидирлар. Шаҳар халқ таълими бўлими номидан барча устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан қизғин қутлаймиз.*

**Салимхон ШАМСИХОНОВ,**
**Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи**


## «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

***2003 йил 30 октябрь, 6,13,20,27 ноябрь кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Кадишев кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Звезда Востока» клуби.

Объект 1 қаватли бўлиб, 1956 йилда ишга туширилган, умумий майдони 1118 $м^2$. Бинода совуқ ва иссиқ сув, иситиш, электр таъминоти, телефон алоқаси ва канализация тизими мавжуд.

**Бошланғич баҳоси — 115 000 000 сўм.**

***2003 йил 2,9,16,23,30 октябрь кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида такроран ўтказиладиган аукцион савдоларига давлат фойдасига мусодара қилинган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилади:***

1. ВАЗ-21065 русумли, давлат рақами 11 Е 23 51, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1 697 000 сўм.**

2. ВАЗ-2101 русумли, давлат рақами 10 Г 50 58, 1975 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 596 000 сўм.**

3. ДЭУ-Пакер русумли, давлат рақами М 64 04 33, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 2 605 000 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44, 8-хоналар.***
***Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.***
***Факс: 136-06-17***
***www.uzrkmb.com***

***Лицензия рақами: 000004***


## Ҳикматли сўзлар маъноси

### Интизомли лашкар енгилмас

Асрлар давомида ўз Ватанини мудофаа қилиш мақсадида турли душманларга қарши курашиб келган халқ катта ҳарбий тажриба ҳам тўплаган. Ана шу тажрибадан келиб чиқиб, лашкарнинг енгилмаслиги, ғалаба қозониши учун биринчи галда ҳар бир аскар интизомга қаттиқ риоя қилиши зарурлиги уқтирилган.

### Интилган — эгилмас

«Ҳаёт кечириш йўлида кўзланган мақсад сари, илму ҳунар эгаллаш сари қатъиятлик билан дадил интилган киши меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлиб, мустақил яшай олиш имкониятини яратади. Агар интилмаса, ҳаракат қилмаса, ишёқмас, дангаса бўлса, турмуш кечиришда қийналади, ҳар бир нарсага муҳтож бўлиб, бировларга бўйин эгишга, эҳтиёжи тушган нарсани ялиниб-ёлвориб сўрашга мажбур бўлиб қолади», дейилмоқчи.

### Ип қанча узун бўлмасин, барибир учи топилади

«Иш қанча чигал бўлмасин, барибир унинг ечими топилади, чигаллигича қолиб кетмайди (масалан, ўғри, хиёнатчи, жиноятчи ўз ишини қилиб бўлиб, қанчалик яширинишга, изини йўқотишга ҳаракат қилмасин, ахири бир кун қўлга тушади)», дейилмоқчи.

Ипни ҳар қанча бўяган билан ипак бўлмас

«Зотида ёмон бўлган нарсани минг уринган билан яхши қилиб бўлмайди», дейилмоқчи.

Газетанинг навбатдаги сони 4 октябрь, шанба куни чиқади.


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 862
7814 nusxada bosildi
Topshirish vaqti 21.00. Topshirildi 22.30
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA